2012 ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (12.071)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Рақобатбардош маҳсулот турларини харидорларга етказиб беришда бозор талаблари асосида изланаётган, бу борада юксак унумли хорижий технологик линиялар қувватидан фойдаланаётган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.



Ислоҳотлар оқимида

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЯДИ

Бунинг асосий омили эса мамлакатимизда соҳа ходимларига яратилган ҳар томонлама қулай имкониятлар бўлиб, улардан самарали фойдаланилаётгани боис ҳам кичик бизнеснинг иқтисодиётимиз ривожидаги улуши йилдан йилга ортиб бораётгани яққол исботини топмоқда.

Ана шундай жамоалар қаторида фаолиятининг ўтган беш йили давомида ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турларини ошираётган «ARS TRIOMAX» масъулияти чекланган жамиятини алоҳида таъкидлаш ўринли. Мазкур корхонада бугунга келиб 300 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар сифати, ўзига хос дизайни билан харидорларни жалб этмоқда. Бу борада модельер-дизайнерларнинг ҳар бир маҳсулот моделини яратишдаги изланишлари, ички ҳамда ташқи бозорни ўрганишдаги масъулиятларини, замонавий тикув дастгоҳларидан юқори унум билан фойдаланаётган, рақобатбардош кийим-кечак турларини тайёрлашда маҳорат кўрсатаётган чеварларнинг меҳнатини айтиш лозим.

Корхона цехларида эркаклар, аёллар ва болалар трикотаж либосларини тайёрлашда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган матолар қўл келади. Энг эътиборли томони эса ички бозорда харидорини топаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан ажралиб туради. Албатта, бунда корхона мутасаддиларининг тадбиркорлик билан изланишлари, хорижий ҳамкорлар тажрибаларини ўрганишлари, цехларни янги технологик дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашга эътибор қаратишлари ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, ишчи-хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳам иш сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Йилдан йилга иш ўринларини кўпайтириб, ёшларнинг малакасини оширишга эътибор қаратилаётган жамоада айни пайтда 65 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йилда ишлаб чиқаришга жорий этилиб, харидорларга етказиб берилган янги маҳсулот турларида уларнинг ҳиссаси катта. Ёшларга ҳунар сирларини мукаммал ўргатишда эса маҳоратли чеварлар тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда.

Тадбиркорлар буюртмаларни кўпайтириш, харидорларни жалб этишни мақсад қилган ҳолда мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазма ва танловларда фаол иштирок этишяпти, фойдали шартномалар тузишга муваффақ бўлишмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилини муваффақиятли якунлаган жамоадошлар жорий йил режаларини ҳам белгилаб олишди. Корхонани янада кенгайтириш, янги цехларни хориждан келтирилган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, ёшларни иш билан таъминлаш, энг муҳими рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириб, экспортни ҳам йўлга қўйиш бу йилда уларнинг кўзлаган мақсадлари сирасига киради. Албатта, дилдаги эзгу ният тинимсиз меҳнату шижоат билан амалга ошишини тадбиркорлар жуда яхши билишади ва саъй-ҳаракат ҳам шунга яраша бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» халқаро симпозиуми якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, илмий, эксперт-таҳлил доиралари, ноҳукумат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, дипломатия корпуси, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БИЛАН ФАХРЛАНИШГА ҲАҚЛИДИР»

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур халқаро анжуман очилишидаги нутқининг асосий жиҳатлари, мустақил ривожланиш йиллари давомида республикада ўтказилган ислоҳотлар ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган кенг кўламли муваффақиятлар, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ҳамда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар билан атрофлича танишдилар.

Брифингда сўзга чиққан **Франция Меҳнат, аҳоли бандлиги ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг Шарқий Европа, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари билан ҳамкорлик департаментининг бошлиғи Мари-Камий Ленорманд** Тошкент форуми якунларига юқори баҳо берди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро тадбир Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришган улкан муваффақиятлари билан яқиндан танишиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг тараққиёти юзасидан амалий тажриба ҳамда ахборот алмашиш учун ажойиб имконият бўлгани ҳолда мамлакатнинг БМТ мингйиллик ривожланиш мақсадлари рўёбга чиқарилишига содиқлигини тасдиқлади», деди М.К.Ленорманд хоним.

Унинг фикр билдиришича, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим устуворлиги ҳисобланиши алоҳида диққат-эътиборга сазовордир.

«Кўпгина давлатлар иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошдан кечираётган бир пайтда дунёдаги тараққий топган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бундай кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширгани билан фахрлана олмайди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш бўйича дастур юқори малакали кадрлар тайёрлаш, тиббий муассасаларни замонавий технология воситалари билан жиҳозлаш, қишлоқ жойларда тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш ва бошқа муҳим тадбирларни ўз ичига олгандир. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги эътирозга ўрин қолдирмайдиган муваффақиятлари энг нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эътироф этилмоқда», деди Франция Меҳнат, аҳоли бандлиги ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакили.

М-К.Ленорманднинг қайд этишича, мазкур халқаро симпозиумда қатнашув Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари билан учрашиш ҳамда тиббиёт соҳасида икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этиш имконини ҳам берди. Унинг айтишича, сил касаллиги, ОИТСга қарши кураш ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

«Авиценна» Ассоциациясининг аъзоси Эрве Керрос мамлакатда аҳоли умр кўриши даражасининг доимий равишда ошаётгани, оналар ва болалар ўлими камайиб бораётгани эътиборга сазовор жиҳат эканлигини алоҳида таъкидлади. «Аҳоли замонавий тиббиёт муассасаларида даволаниш имкониятига эгадирки, бу тиббиёт масканлари тобора такомиллашиб, модернизациялашиб бораётир. Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда санитар-гигиена талабларига жавоб берадиган юзлаб замонавий бинолар, турар-жойлар бунёд этилди. 1600 дан зиёд касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, спорт иншоотлари ва майдончалари қурилди. Ҳукумат томонидан тиббиёт кадрлари тайёрлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда ҳамда уларнинг малакалилик даражаси такомиллашмоқда, жойларда инфратузилмаларни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда, сармоялар жалб этилмоқда», деди у.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Олмазор туманидаги 159-мактабда республика Байналмилал маданият марказининг 20 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — ягона уйимиз» мавзусида туман ҳокимлиги ва Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида маънавий-маданий тадбир ўтказилади.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган куннинг 529 йиллигига пойтахтимиз умумтаълим мактабларида тайёргарлик кўриш, уни муносиб нишонлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

✓ **«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»** акциядорлик компанияси ва Ҳиндистоннинг «NGL Texnologiya LTD» компанияси мутахассислари ўзаро ҳамкорликда иқтисодиётнинг реал секторидаги дастурий маҳсулотларни тузиш ва ишлаб чиқиш имкониятларини таҳлил қилишди.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Хабар қилинганидек, «Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди. Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим катта байрам концерти билан якунланди.

● Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 20 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни арафасида Термиз шаҳрида Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида ўз хизмат бурчини ўтаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар учун 27 хонадондан иборат барча қулайликларга эга икки қаватли замонавий турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

● Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги «Одамтош» телестанциясида Японияннинг «NEC» компанияси билан ҳамкорликда 2,0 кВт қувватига эга рақамли узатиш қурилмаси ўрнатилди. Натижада вилоятнинг 75 фоиз ҳудудида яшовчи аҳолининг рақамли теледастурларни томоша қилиши учун шароит яратилди.

● Зангиота туманидаги Бўзсув қишлоғида «Агровер» масъулияти чекланган жамиятининг ишга тушиши билан 3000 минг тоннага яқин сархил мева-сабзавотни узоқ муддатга сифатли сақлаш имкони вужудга келди. Лойиҳа қиймати 1,1 миллион АҚШ долларилик мазкур иншоот Италия, Германия ва Голландия технологияси асосида жиҳозланиб, вакуумли агрегатлар ёрдамида маҳсулотнинг сифати бузилмаслиги таъминланади.

ЖАҲОНДА

● Кеча Қозоғистонда парламентнинг қуйи палатасига сайловлар бўлиб ўтди.

● Кеча Руминияда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган кескин чора-тадбирларга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишчилар орасида жароҳатланганлар ҳам бор.

● Кеча Россиянинг «Фобос-Грунт» илмий станциясининг парчалари Тинч океанига тушди.

● Италиянинг Жильо ороли атрофида «Коста Конкордия» улкан сайёҳлик кемаси ҳалокатга учради. Ушбу кемада экипаж аъзолари билан бирга 4300 га яқин киши бўлиб, ҳалокат натижасида беш киши ҳаётдан кўз юмган, 15 нафар одам бедарак йўқолган. Ушбу кема ҳалокати муносабати билан Италия прокуратураси томонидан жиноий иш очилган, кема капитани ҳибсга олинган.

● Жанубий Корея танкери Сариқ денгизда чўкиб кетиши натижасида беш киши ҳалок бўлган.

● Нигерияда диний қўпорувчилик ҳаракатлари авж олмоқда. Мамлакат шимолидаги Потискум шаҳрида бир тўда қуролланган кимсалар маҳаллий қаҳвахонада ўтирганларни ўққа тутиши натижасида саккиз нафар одам ва тўрт нафар полициячи ҳалок бўлган. Мамлакатдаги нотинчликлар туфайли фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Покистонда дафн маросими чоғида юз берган фавқулодда ҳодиса туфайли 10 киши ҳалок бўлди, 15 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Москвада истиқомат қилувчи 85 ёшли қариянинг бош чаноғида ўқ борлиги аниқланди. Асли мутахассислиги муҳандис бўлган бу қария юрак хасталиги боис шифокорларга мурожаат қилган. Кўрикдан ўтаётганда эса унинг бош чаноғидан ўқ топилган. Беморнинг айтишича, уч ёшлик чоғида акаси уни отасининг тўппончаси билан тасодифан отиб қўйган. Жароҳатланган бола ҳушини йўқотган, бироздан сўнг ҳеч қандай оғриқ ва ўзгариш сезмаган. Шу тариқа болакай бош суягидаги ўқ билан 82 йил яшаган.

«ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БИЛАН ФАХРЛАНИШГА ҲАҚЛИДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эрве Керроснинг сўзларига қараганда, бугунги Ўзбекистон – аҳолини мустаҳкам ва ишончли ҳимоя этиш, сифат жиҳатдан юқори тиббий хизматдан умум миқёсда фойдаланиш имконияти тизимини яратиш бўйича минтақадаги моделдир, дейилса айни ҳақ гап айтилган бўлади. Мамлакатда ахборот ва касалликларни олдини олиш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда, болалар эмланиши масаласи ўз вақтида амалга оширилмоқда. Маҳаллий бошқарув идоралари – маҳаллалар билан биргаликда тиббиёт ходимлари мактаблар ва бошқа ўқув муассасаларида мунтазам равишда мавзелар ва қишлоқларда санитар ҳолатни яхшилашга йўналтирилган турли профилактика тадбирларини ташкил қилмоқда.

«Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг соғлиқни сақлаш ишини ривожлантириш ва бу борадаги ҳамкорлик доимий асосда рўёбга чиқарилиши зарур, деган фикрларига тўла қўшиламан», деди Э. Керрос.

Болалар овқатланиши ва ривожланиши масалаларини ўрганиш бўйича Европа уюшмасининг президенти Зигмунт Островски алоҳида таъкидлаганидек, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасида қулай шароитлар яратилганининг даражаси жиҳатидан Ўзбекистон етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг фикрича, мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасида тўпланган тажриба, масалан, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, бутун республика бўйича перинатал ва скрининг марказларининг кенг тармоғи яратилгани катта эътиборга сазовор бўлгани ҳолда бу тажриба дунёнинг кўпгина минтақаларида, жумладан, Шарқий Европа мамлакатларида қўлланишга лойиқдир.

Европа мамлакатлари билан таққослаганда, демографик жиҳатдан 30 яшаргача бўлган ёшлар мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этиши Ўзбекистоннинг энг катта афзалликларидан бири ҳисобланади. Негаки ёшлар – ҳамиша мамлакат ва миллатнинг келажаги бўлиб келган. Икки касб – тиббиёт ходими ва муаллим соғлом, ўқимишли ва ҳар томонлама ривожланган авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади. Диққатга сазовор томони шундаки, Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг бу икки йўналиши – соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига катта эътибор қаратилмоқда, деб ҳисоблайди З.Островски.

Тошкентда бўлиб ўтган симпозиум якунларининг халқаро аҳамияти ҳақида тўхталар экан, у Франция ва Ўзбекистон тиббиёт муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун яхши имкониятлар очилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, хорижий мамлакатлар мутахассислари иштирокида видеоконференциялар ташкил этиш йўли билан табобат маслаҳатлашувлари ўтказиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Замонавий технологиялар тараққиёти даражаси ҳисобга олинадиган бўлса, бу йўналиш хийла кам харажатли бўлгани ҳолда тезкор ва самаралидир.

Ўзбек тиббиёт ходимларининг юқори даражадаги профессионаллигини қайд этар экан, **«AREPEGE» умумий педиатрия тадқиқотлари ва таълими масалалари бўйича уюшманинг раиси Реми Ассатиани** мамлакат раҳбари ташаббускорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларнинг асоси бўлди, дея баёнот берди.

«Узоқни кўзлаган бундай сиёсат аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун мустаҳкам замин қўйди», деди у.

Халқаро Тиббий экспертиза академиясининг аъзоси, Тулуза шаҳар университети профессори Рене Толемер Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими халқаро андозаларнинг энг юқори талабларига жавоб беришига шахсан ишонч ҳосил қилганини айтди.

«Республика тиббиёт муассасалари энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган ва уларда юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатишмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими ривожининг юксак даражасига, бу соҳада замонавий кадрлар тайёрланишига ўтган йилнинг июнида Ўзбекистондан уч нафар мутахассисни қабул қилганимиздаёқ амин бўлган эдик. Ўшанда психиатрия соҳасида ўзаро тажриба алмашилган эди», деди Р. Толемер.

Париждаги «Неккер» университет касалхонасининг болалар шифокори Амин Арсан Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишнинг миллий моделини ўрганишга бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро симпозиум натижалари дунёдаги барча табобат ходимлари учун муҳим амалий аҳамият касб этишини маълум қилди.

«Биз касалхоналар бўлимлари, реанимация, тиббий лабораторияларни бориб кўрдик. Замонавий техника, диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар ишлаётган бундай марказлар билан танишиш ўзимда ҳамда менга ҳамроҳлик қилган касбдошларимда катта таассурот қолдирди. Ибн Сино ватани сифатида машҳур Ўзбекистон ўзининг XXI аср талабларига тўла жавоб берадиган соғлиқни сақлаш тизими билан ҳам фахрланишга ҳақлидир.

Бўлиб ўтган брифинг интиҳосида Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишнинг миллий моделини ўрганишга бағишланган халқаро симпозиум ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

«Жаҳон» АА
Париж

Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчини шараф билан ўтаётган аскар ва зобитларимизнинг шарафли ва масъулиятли меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида Сергели туманидаги «Baxt Diyor» гузарида туман ҳокимлиги ташаббуси билан мудофаа ишлари бўлими, туман ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар, ички ишлар бошқармаси, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ватанни ҳимоя қилиш — муқаддас бурч» шиори остида катта байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирлар

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Тадбирга ҳарбий қисмлар, туман мудофаа ишлари бўлими, ички ишлар бошқармаси таркибида хизмат қилаётган аскар ва зобитлар, ҳозирда нафақада бўлган фахрийлар, шунингдек, таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият, спорт, санъат ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари ходимлари таклиф этилди.

Байрам кечасида сўз олган туман ҳокими Отабек Содиқов, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов, сержант Темур Уразбахтин, оддий аскар Абдураҳим Тошматов ва бошқалар миллий армиямиз ривожланиши тарихи, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнлари хусусида тўхталиб, барчани байрам билан мубораклаб этдилар.

Шу билан биргаликда кечада 2011 йилда ўтказилган «Энг яхши отряд командири», «Энг яхши сержант», «Ҳарбий оила — мустаҳкам қўрғон» кўрик-танловларида ғолиб чиққан аскар ва зобитларга, сержантларга Сергели туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди, мусиқий дам олиш концерт дастури намойиш этилди, таниқли эстрада хонандалари ҳамда эл-юрт назаридаги инсонлар билан ижодий учрашувлар уюштирилди.

— Ҳарбий касб эгаси бўлганимдан фахрланаман, — дейди «Энг намунали ҳарбий оила» танлови ғолиби, кичик сержант Феруз Қувноқов. — Халқимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигини қўриқлаш ҳар бир йигит учун шараф, шу билан бирга муқаддас бурчдир. Кейинги йилларда ёшларнинг ҳарбий хизматни ўташга интилаётганлиги бу соҳадаги ислоҳотлар, кўрсатилаётган эътиборнинг самараси, албатта.

Байрам тадбирида янграган она Ватан, унинг мард ва жасур ўғлонлари тўғрисидаги қўшиқлар, мусиқали композициялар ва шеърларни маҳорат билан ижро этган маданият уйлари бадиий-ижодий жамоалари, 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси ҳамда «Alfa Trening» ихтисослаштирилган ҳарбий-спорт синфлари тарбияланувчиларининг кўргазмали чиқишлари кечага ўзгача файз бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Долзарб мавзу

ТЕЖАМКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон энергетика тизими ўз тарихини 1926 йилдан, яъни Бўзсув каналида биринчи бор 2 мегаватт (МВт) қувватли гидроэлектрстанция (ГЭС) ва 30 та трансформатор қурилиб, ишга туширилиши билан бошлаган.

Соҳа ривожланиши даврининг бошланғич ўн йиллиги мобайнидаги етакчиликни гидроэнергетика эгаллаган эди. Республикамизда 60-йилларда газ қазиб чиқариш конларининг ўзлаштирилиши билан қуввати 1000 МВт дан кўпроқ йирик иссиқлик электрстанция (ИЭС)лар — Тошкент ИЭС (қуввати 1860 МВт), Навоий ИЭС (1250 Мвт) ва Сирдарё ИЭС (3000 Мвт)нинг жадал қурилиши бошланди.

Худди шу йилларда республикада гидроэнергетика иншоотлари қурилиши 600 МВт қувватли нодир Чорвоқ гидроузелининг ишга туширилиши билан ўзининг ривожланиш чўққисига чиққан эди.

Ангрен очиқ кўмир конининг ривожланиши 1980 йилларда қаттиқ ёқилғи билан ишлайдиган йирик, лойиҳа қуввати 2100 МВт бўлган янги Ангрен ИЭСи қурилишининг авж олишига имкон берди. Йирик ИЭС тараққиётидаги сифат ўзгаришида, 2005 йилда Марказий Осиё минтақасида тенги йўқ бўлган Таллимаржон ИЭСнинг 800 МВт қувватли биринчи энергоблокининг фойдаланишга топширилиши катта воқелик бўлди. Шу ўринда айтиш керакки, электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган бошланғич энергоресуслар таркибида газ ёқилғиси 92 фоизни, мазут 4 фоизни ва кўмир ҳам 4 фоизни ташкил қилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» очиқ акциядорлик жамияти барча таркибий бўлинмалари электр энергиясини тежовчи ёритиш асбобларини қўллаш бўйича ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Корхона томонидан электр энергиясини автоматлаштирилган назоратлаш ва ҳисобга олиш (АСКУЭ) тизимини босқичма-босқич жорий этилиши бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва маиший истеъмолчилар томонидан АСКУЭ тизимининг жорий этилиши тижорат йўқотишларнинг пасайишини таъминлайди ва пировардида реализация қилинган электроэнергияси учун пул маблағлари тушумини тезлаштиради.

АСКУЭ тизимини бундан буён ҳам жорий этиш дастурининг молиялаштирилиши Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳамда «Ўзбекэнерго» ДАК ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Афсуски, соҳада йўқотишларни камайтиришга йўналтирилган чораларнинг қўлланилиши ва маиший истеъмолчиларда замонавий электр ҳисоблагичларнинг ўрнатилишига қарамасдан, истеъмолчилар айрим ҳолларда баъзан била туриб, «қўлбола» иситгичлардан, пайвандлаш аппаратлари ва бошқа жиҳозлардан, Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» очиқ акциядорлик жамияти электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб, тегишлича расмийлаштирилмасдан фойдаланилмоқдалар. Хонани иситиш мақсадида қўлланадиган, айниқса, «қўлбола» қурилмалар электр тармоғини катта юклама остида зўриқиб ишлашига олиб келиб, ёнғин хавфи вазиятини туғдиради ва бошқа истеъмолчиларнинг маиший техникаси ва аппаратураларининг ишдан чиқишига олиб келади. Кўрсатиб ўтилган қоидабузарликлар кўп ҳолларда об-ҳавонинг совиб кетиши билан намоён бўлади.

Электр энергиясини тежаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида истеъмолчилар уйдан чиқиб кетаётганларида маиший техника, турли аппаратуралар ва чироқларни ўчириб қўйишни унутмасликларини эслатиб ўтишни истардик. Масалан, битта ўчириб қўйилмаган лампочка 1 соатда станцияларда бир неча килограмм ёқилғи, яъни кўмир, газ, мазутнинг сарфланишига олиб келади. Шу боис истеъмолчилар электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузмасликлари, «қўлбола» иситиш жиҳозларининг қўлланишидан воз кечишлари лозим.

Истеъмолчининг бурчи мамлакат ва келгуси авлоднинг миллий бойлиги бўлган энергия ресурсига иқтисодий жиҳатдан тежамкорлик билан муносабатда бўлишдир. Зеро, халқимизда «Кенгашли жой — ёруғ жой» деган ибора бежизга айтилмаган.

Шарафиддин АЛИМХОДЖАЕВ,
«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» ОАЖ директори

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Ўзэкспомарказ» мажмуида ташкил этилган беш кунлик кўргазмали семинар 2012 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятидан корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадларига бағишланди.

Қарор ва ижро

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Маълумки, 2011йил 30 декабрда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарор қабул қилинганди.

Мазкур Қарорга асосан, аҳоли даромади ва харид қобилиятини ошириш мақсадида, 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қўйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга туширилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса сартарошлик хизматлари ва бошқа шу каби маиший хизматларни кўрсатиш учун ундириладиган қатъий белгиланган солиқнинг ставкалари ўртача 2 бараварга камайтирилди. Жисмоний шахсларга турар ва нотурар жой фондини мунтазам равишда (яъни, ўн икки ойлик муддат ичида 2 мартадан ортиқ битим асосида) сотишдан олинган даромадлар ҳам солиққа тортиладиган даромадга киритилиши белгиланди.

2012 йилдан бошлаб, уй-жойнинг 1 метр квадрати учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб табақалаш, яъни Тошкент шаҳрида – 3 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятларида – 1 минг сўм ижара тўлови ундириш белгиланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, соҳа учун солиқ юкини камайтириш ва уларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида, ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2011 йилда 6 фоизгача пасайтирилган бўлса, 2012 йилда саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун мазкур солиқ ставкаси 6 фоиздан яна 1 фоизга камайтирилиб, 5 фоиз миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Кўргазмали семинар давомида йиғилганларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилиб, ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Бунда 2012 йил бошидан эътиборан кучга кирган бевосита оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ солиқ имтиёзларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Молия вазирлиги, Давлат Божхона, Статистика қўмиталари, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар масъул ходимлари таклиф этилган кўргазмали семинарда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўртага ташланган барча муаммоли саволларга мутасадди ходимлар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

Шунингдек Давлат солиқ қўмитаси томонидан тайёрланган плакат ва буклетлар, «Солиқ инфо» газетасининг махсус сони, шунингдек видеоролик, слайд-шоулар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА

Алоқа

ЯНГИ УСУЛЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти тизимида хизмат кўрсатишнинг янгича усуллари йўлга қўйилмоқда.

Бу эса халқаро почта алмашинувини таъминлаш билан бир қаторда шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар, телефон хизматлари учун абонент тўловларини почта бўлимларида тезкор қабул қилиш кабиларнинг жорий этилишида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

— Ўзбекистон миллий почта операторларининг асосий вазифаси янгиғ ахборот технологияларини кенг қўллашга эришилмоқда, — дейди жамият бош директори Р.Қосимов. — Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида яна қатор янгиликларга эришилди. Жамиятимиз таркибида 14 та филиал, 174 та туман ва шаҳар почта алоқаси бўлими фаолият кўрсатмоқда. Почта жўнатмалари 30 та авиа, 2 та темирйўл почта ташиш алоқаси бўлимлари орқали етказилмоқда. Айни вақтда бу жараёнларни тезлатиш мақсадида жойлардаги почтачилар 2480 та велосипед билан таъминланди.

«Тошкент почтамти» филиалида эса интернет орқали курьерлик хизмати учун буюртмаларни қабул қилиш тизими жорий этилди.

Акбар АЛИЕВ

Оила — меҳр-оқибат маскани, муқаддас ва табаррук қўрғон. Шунингдек, оила — жамият пойдевори, унинг мустаҳкамлиги, соғломлиги жамият ривожининг асосий мезони саналади. Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимизнинг муҳим устувор йўналишларидан биридир. 2012 йил муҳтарам Юртбошимиз томонидан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. Бунда албатта чуқур маъно бор. Зеро, оилалар мустаҳкамлиги, тотувлиги мамлакат фаровонлиги, барқарорлигини таъминлайди.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ

Юртимизда ҳар томонлама ибратли, ҳавас қилса арзийдиган намунали оилалар кўп. Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалласида ҳам ана шундай ибратли оила бўлиб, маҳалладагиларнинг кўпчилиги Зоҳиджон ака ва Саодатхон опанинг оиласига, бу хонадондаги тотувлик, меҳр-оқибат, саранжом-саришталикка ҳавас билан қарашади. Зоҳиджон ака узоқ йиллардан буён бош кийимлар фабрикасида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Саодатхон опа эса олийгоҳни тугатиб, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятида самарали меҳнат қилиб эндиликда нафақага чиққан. Опахонимиз давлат ишларидан ташқари маҳалланинг фаол жонкуярларидан. Нафақага чиқсада, эл корига камарбаста бўлиш, маҳалланинг осойишталигини, оилалар тотувлигини таъминлаш эзгу мақсадига айланди. Бугунги кунда «Янгиобод» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Зоҳиджон ака ва Саодат опа уч ўғилга тарбия бериб ўқитишди, жамиятимизга муносиб инсонлар қилиб вояга етказишди. Олий маълумотга эга бўлган икки ўғилларини биргаликда уйлантириб, икки нафар бири-биридан дилбар, оқила ва гўзал келинлик бўлишди. Йил ўтиб, Оллоҳ уларни яна икки ўғил невара билан сийлади. Оила аъзоларининг бундан қувончлари яна ҳам ошди.

Яқинда Саодатхон опанинг хонадонларига ташриф буюриб, оиладаги тотувлик, меҳр-оқибат, қайнона-келин муносабатлари ҳақида дилдан суҳбатлашдик.

— Аҳиллик, иноқлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат оиланинг бебаҳо бойлигидир. Тотув оилаларда ҳамиша тинчлик, хотиржамлик, файзу барака, саранжом-саришталик ҳукм суради, — дейди Саодатхон опа. — Оилани барқарор ушлаб туриш, мустаҳкамлаш аввало ота-онага боғлиқ. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Оилада аввало эру хотин бир-бирини ҳурмат қилса, эъзозласа, фарзандлар ҳам улардан яхши фазилатларни ўрганади, деб ўйлайман. Турмуш ўртоғим билан ўттиз йил тотув ва иноқликда бир-биримизни тушуниб, ҳурмат қилиб яшадик. Албатта ҳаёт бир текис эмас, қийинчиликлар ҳам бўлган. Бу қийинчиликларни биргаликда сабр-қаноат билан енгиб ўтдик. Оилада аввало аёл киши билимли, тадбиркор, оқила, покиза, саранжом-саришта ва энг муҳими сабр-қаноатли бўлиши керак. Ана шунда оилада тотувлик,фаровонлик бўлади. Биз фарзандларимизни яхши тарбиялашга, билим олишига катта эътибор қаратдик. Ҳалол меҳнатга ўргатдик. Шукр, ўғилларимиз эл корига ярайдиган қобил фарзандлар бўлиб етишди. Уларнинг орқасидан яхши гапларни эшитиб келяпмиз. Келинларимиз Гавҳархон ва Шаҳнозахон келин эмас, ўз қизимдек. Чаққон, пазанда, хушмуомала, доимо атрофимизда парвона. Меҳр берсанг, меҳр кўрасан дейдилар. Келинларимга қўлимдан келганча меҳр беришга ҳаракат қиламан. Икки асалдан ширин набираларимиз бор, улар оиламиз қувончи, қалбимиз гавҳари.

— Оиламизга кўпчиликнинг ҳаваси келади, — дейди Саодат опанинг катта келини Гавҳархон. — Онажонимиз меҳнатсевар, саранжом, очиққўнгил, фарзандларига, келинларига меҳрибон, жонкуяр, оилапарвар аёл. Келин бўлиб келганимда қайнонамдан жуда кўп нарса ўргандим. Биз келинларни бўш вақтингизда ҳунар ўрганинглар, кам бўлмайсизлар, дея ҳунар ўрганиш учун ўқув марказларида ўқитдилар. Биримиз аёллар сартароши касбини, биримиз тикувчилик касбини ўргандик. Бу бизга турмушда жуда асқотяпти. Онажонимиздан жуда миннатдормиз.

Дарҳақиқат, бу хонадондаги қайнона-келинларнинг бир-бирига ўзаро ҳурмати, хушмуомаласи, меҳрибонлигини кўриб оилани оила қиладиган, тотувлигини таъминлаш кўпроқ аёлларга боғлиқлигига амин бўлдик. Оилада бахт топган аёлгина жамиятда катта мавқега эриша олади. Тилагимиз ҳар бир аёл ўз файзли гўшаси – оиласининг бахтли бекаси, турмуш ўртоғининг суюкли рафиқаси, фарзандларининг меҳрибон онаси сифатида, уларнинг ардоғида, эъзозида бўлиш бахтига муяссар бўлсин. Янги 2012 йил — Мустаҳкам оила йилида юртимизда Зоҳиджон ака ва Саодатхон опанинг оиласи каби ибратли, меҳр-оқибатли, бахтиёр оилалар сафи кўпайсин. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир».

Дилором ИКРОМОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Юртимизда ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ютуқларини, илмий-ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳити ва дўстлик алоқаларини шакллантириш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

ЁШ ОЛИМЛАР УЧУН СТИПЕНДИЯ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан эълон қилинган «Ёш олимлар учун стипендия» дастури ҳам айнан ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Стипендия аниқ, табиий ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар юзасидан ташкил этилиб, унда фан-техника юзасидан илмий-изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар иштирок этишади. Танловнинг якуний босқичидаги ҳар бир йўналишида 5 нафаргача ғолиб аниқланиб, унда тақдим этилган илмий ишнинг оригиналлиги, инновацион жиҳати, амалиётга татбиқ этиш даражасининг реаллиги, манфаатдор идоралар эътиборини жалб қила олиши, шунингдек, иштирокчининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда фан ва технологиялар модернизацияси борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, миллий ғоя тарғиботи ва илмий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, иқтидорли ва салоҳиятли ёшларни излаб топиш ва уларни илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш, етук хорижий илмий марказларнинг юртимиз ёш олимлари билан ҳамкорлигини ўрнатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг муҳим тараққиёт йўлларидан бири — жамиятни демократлаштириш, янги техника ва технология, ахборот маданиятини ўзлаштириш, мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган билимли, етук ёш мутахассисларни излаб топишда намоён бўлмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ёш олимлар учун стипендия»си — 30 ёшгача бўлган ёш олимлар, фан номзодларининг илмий-тадқиқот иши ва фаолиятини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Мен 2009 йилда «Ўзбекистон Республикаси фонд биржалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари» мавзуида илмий ишимни ҳимоя қилганман, — дейди юридик фанлари номзоди Отабек Наржиев. — Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори жамиятни модернизация қилиш, адлия соҳасини татбиқ этиш ва ёш ҳуқуқшуносларни камолга етказиш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга қадар 42 та илмий мақола ва тезисларимни матбуот ва тўпламларда чоп эттирганман. 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Энг ёш ҳуқуқшунос олим» кўрик-танловида ғолиб бўлганман. 2011 йилда эса «Истеъдод» жамғармасининг хорижий мамлакатларнинг таълим ва илмий муассасаларида қисқа муддатли малака ошириш ва тажриба алмашиш ҳуқуқини берувчи грантини қўлга киритдим. Айни пайтда Тошкент давлат юридик институтининг «Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедрасида талаба-ёшларга сабоқ беряпман.

Ёш олимлар тўғрисида маълумотлар банкини ташкил этиш, уларнинг Республика ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳаси ва жабҳасини ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шижоатидан унумли фойдаланиш мақсадида ташкил этилган мазкур стипендиянинг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

ИЖТИМОИЙ СЎРОВЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Ижтимоий фикр» Жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан уюштирилган, давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги семинар «Жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўрганишнинг долзарб муаммолари» мавзусига бағишланди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Бахромжон Абдухалилов кириш сўзи билан очиб, «Ижтимоий фикр» Марказининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида мамлакатимизни модернизация қилиш ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги босқичига эришишда Ўзбекистонимиз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки: бугунги ҳолат ва истиқболдаги вазифалар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди ва унинг кейинги 10 йил ичида амалга оширган ишлари мустақил Ўзбекистон ривожида муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганлигига эътибор қаратди. Юртбошимиз томонидан 2012 йил — Мустаҳкам оила йили деб эълон қилингани муносабати билан Марказ яна янги ижтимоий сўровлар ташкил этиб, соҳалар мутахассисларига зарур таҳлилий материалларни етказиб беради деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Муқимжон Қирғизбоев ва «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори ўринбосари, профессор Озод Ата-Мирзаевнинг Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари асосида Ўзбекистонда жамоатчиликнинг ижтимоий фикри ривожланишига бағишланган маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Музокаралар чоғида кун тартибида кўтарилган масалаларнинг ниҳоятда долзарблиги ва улар борасида эндиликда кенг қамровли ижтимоий сўров ва мониторинг ишларини олиб боришга бел боғлангани айни муддаолиги алоҳида таъкидланди. Зеро, бугун нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятида ушбу таҳлиллар ўта долзарб.

Бу борада мамлакатимиздаги етакчи олимлардан профессор Бахтиёр Каримов ва бошқаларнинг маърузаларида мавжуд муаммоларни ечишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини ошириш долзарб масала эканлигига алоҳида эътибор қаратилди, жумладан, йиллар давомида амалга ошириб келинаётган «Жамоатчилик эшитувлари» тадбири илғор тажриба экани каби мисоллар келтирилди.

«ЭКОСАН» халқаро хайрия экология ва саломатлик жамоатчилик фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев «Ижтимоий фикр» Маркази билан бирга ўтказилган ижтимоий сўров натижасида чоп этилган «Экология ва саломатлик жамоатчилик фикри нигоҳида» китобидан, яқинда ижтимоий сўров тугалланиб, нашрга тайёрланаётган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда экологиянинг ўрни» рисоласи, 2012 йилга режалаштирилаётган «Мустаҳкам оиланинг шакллашида экологик онг ва маданиятнинг ўрни» ижтимоий сўрови каби тадқиқот даражасидаги материаллар бугун, давр тақозоси билан қўникма ҳосил қилинган амалиётлардан унумли фойдаланишда муҳим ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлигига эътиборни қаратди.

Миркарим МИРСОВУРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036-10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй, 16-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м бўлган, 2 та яшаш хона, даҳлиз, ошхона, ҳожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 53 882 802 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 3 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 1 февраль куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 27.12.2011 йилдаги 245,246-сонида чоп этилган хабарнома билан «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Шайхонтоҳур тумани, Г.Узоқов кўчаси, 2-уй, 4-хонадон манзилда жойлашган, уй-жой аукцион савдоси вақтинча тўхтатилганини маълум қиламиз.

Асос: Олмазор туман СИБнинг 03.01.2012 йилдаги 21450/27-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-80-26. Лицензия: RR-0001

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси	тел.: 233-51-47
«Тошавтобустранс» АК	тел.: 234-90-36
«Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ	тел.: 248-05-56
«Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ	тел.: 272-89-47, 272-68-52
«Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ	тел.: 290-70-17
«Тўртинчи автохизмат» МЧЖ	тел.: 263-38-80
«5-такси саройи» МЧЖ	тел.: 280-60-54

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Такрорий аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2009 йил 1-5324/09-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 39А-уйда жойлашган, умумий майдони 222,0 кв.м бўлган, 3 та яшаш хонаси, айвон, ошхона, ҳаммом, ҳожатхонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 105 804 726 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 6 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 февраль куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, ФИБ Учтепа туманлараро судининг 30.11.2010 йилдаги 4-176/10-сонли ижро варақасига асосан, «Шарқли Мелиса» МЧЖда сақланаётган «Тико» русумли д/р 01R864DA бўлган 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 800 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 21 февраль куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 17 февраль куни соат 18:00.

Шунингдек 2012 йил 7 февраль куни соат 11:00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига такроран қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Олмазор тумани СИБ томонидан, 28.03.2011 йилдаги 1-3156/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 4-уй, 65-хонадон манзили бўйича сақланаётган «JAC» русумли д/р 01D756EA бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 000 000 сўм.

2. Миробод тумани СИБ томонидан, 11.01.2011 йилдаги 16024/21-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган «ЗАЗ-968» русумли д/р 30А3258 бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 649 800 сўм.

Такроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 3 февраль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг 2011 йил давомида мамлакатимизда экологик соғлом муҳитни яхшилаш ва жамиятда экологик маданиятни янада ошириш борасида амалга оширган ишлари ҳамда истиқболдаги режалар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманлар

СОҒЛОМ ТАБИАТ– СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Анжуман давомида Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов ўтган 2011 йилда Экоҳаракат томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, юртимизда табиатни муҳофаза қилиш борасида 500 дан ортиқ амалий тадбирлар ўтказилиб, уларда 800 мингдан ортиқ фаолларнинг иштироки таъминланди.

Шунингдек, Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг жами 12 та қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га бағишланган маърузасидаги Ўзбекистонда «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш фикри Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланиб, қисқа фурсатда Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни концепцияси ишлаб чиқилди ва шу аснода қонун лойиҳаси тайёрланди.

Атроф-муҳит, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, атроф-муҳит ҳолатининг инсон саломатлиги билан ўзаро муносабати юзасидан кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида ўтказилган 130 га яқин тадбирда 40 000 дан зиёд фуқаролар қатнашдилар.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом тарзда вояга етишини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида умумий майдони 87 гектардан иборат 19 та «Экобоғ» яратилди. Бундай боғларни бунёд этиш учун уюштирилган ҳашарларда 30 мингдан ортиқ киши иштирок этиб, 31 мингга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, турли хилдаги анвойи гуллар ўтқазилди.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг бевосита иштирокида мамлакатимизда «Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари ассоциацияси» ташкил этилиб, ўтган йил охирларида ушбу ассоциация фаолиятини янада кенгайтириш, унинг фаолиятида олимларимизнинг илмий изланишлари ва амалиётчилар тажрибасини бирлаштириш мақсадида унинг қошида илмий-техникавий Кенгаш тузилди.

Анжуманда ушбу соҳада олиб борилган шу каби ишлар хусусида мутахассислар сўз юритиб, бу борада келгусида қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг 2012 йилга режалаштираётган қонунчилик ташаббуслари сирасида «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунни иккинчи ўқишда қабул қилиш, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳасини тайёрлашни ниҳоясига етказиш, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунни, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, халқаро миқёсдаги тадбирларни кўпроқ ўтказишни, экотуризмни ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни янада кучайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, жаннатмакон ўлкамизда табиатни асраш ва муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг истиқболдаги самарали натижалари яна ҳам кенгаяди. Асосийси, бу каби барча лойиҳаларда юртимизда истиқомат қилаётган одамларнинг ўз хоҳиш-истаклари билан она табиатимизни асрашда бунданда кўпроқ ўз ҳиссаларини қўшишлари, боғ-роғлар яратиш борасида хайрли ишларга қўл уришлари муҳим аҳамиятга эга.

Садоқат АСЛАНОВА

Ҳунари гўзаллар *ЎзА олган сурат*

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Пойтахтдаги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли марказида «Қутқарувчилик — шарафли касб» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Яккасарой туманидаги 172-мактабнинг ҳарбий спорт синфлари ўқувчилари иштирок этди.

Фавқулодда вазиятларга доимо шай турадиган қутқарувчиларнинг салоҳиятини ошириш, руҳан ва жисмонан чиниқиши учун жисмоний тайёргарликлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, «Ўзгалар дардига бефарқ одам ҳеч қачон қутқарувчи бўла олмайди. Чунки қутқарувчилик бу оддий касб эмас, балки инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилишга, жасорат кўрсатишга ҳамиша тайёр туриш демакдир».

Тадбирда таъкидланишича, сел, сув тошқинлари, кўчки билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида гидрометерологик ва геологик хавфли жараёнлар кузатилиши мумкин бўлган ҳудудларда ўқув машқлари ўтказилмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, табиий ҳодисалар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш бўйича ҳар бир хонадонга эслатмалар тарқатилган ва кеча-кундуз фаолият олиб борадиган назорат-кузатув постлари ташкил қилинган. Ўтган давр мобайнида хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича 4 мингдан ортиқ йирик қутқарув операциялари амалга оширилган. Биргина 2011 йилда жойларда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этишга оид жами 33 та қўмондонлик-штаб ўқув машқи, 682 та тактик-махсус машқлари ўтказилган.

— Давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди мактаб директори Владимир Ванюшкин. — Ҳарбий спорт мактабида қўл жанги, ҳаво милтиқлари ва граната улоқтириш тўгаракларида фаолият юритмоқда. Бу ўғлонларимизни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, кучли, билимли, жасур бўлиб ўсишига муҳим аҳамият касб этаётир.

Давра суҳбати ўсиб келаётган ёшларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, уларда она Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш, қутқарувчилик қобилиятини ривожлантириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз оиласи, юрти олдидаги масъулиятини чин дилдан ҳис этишга ўргатишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Бобомурод ИБРАГИМОВ, «Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

«ПАХТАКОР» — АНТАЛИЯДА

Жорий йилги мавсумда мамлакат чемпиони бўлишни ўз олдига қатъий вазифа қилиб олган етакчи жамоаларимиздан бири «Пахтакор» футболчилари биринчи бўлиб хориж сафарига йўл олишди.

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-йиғин машғулотлари уюштиришга аҳд қилган «Пахтакор» жамоасини эндиликда сербиялик мутахассис Деян Журжевич бош мураббий сифатида бошқармоқда. Дарвоқе, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларига таклиф қилинган саккиз нафар пахтакорчи Туркияга бора олмади. Бироқ жамоанинг етакчи чарм тўп усталари ҳисобланган ушбу саккиз нафар футболчи маълум муддат ўтиб «Пахтакор» сафига қўшилишади. Сабаби, ўқув-йиғин машғулотлари доирасида пахтакорчилар Германиянинг «Вердер», «Штутгарт», Россиянинг «Крилья Советов» жамоалари билан назорат-ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашишади. Дарвоқе, ушбу машғулотларда моҳир ҳужумчи Александр Гейнрих ҳам иштирок этади.

МАХСУТАЛИЕВ — ТЕРМА ЖАМОА САФИДА

Маълумки, 29 февраль куни Японияда футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқичининг гуруҳ баҳсида Япония — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўзаро куч синашишади.

Ушбу баҳсга жиддий ҳозирлик кўриш мақсадида пойтахтимизда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказаётган миллий терма жамоамиз футболчилари 17 январда Қувайт миллий терма жамоаси билан куч синашади. Муҳим сафар олдидан эса бош мураббий Вадим Абрамов Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари футболчиларининг аралаш рўйхатини эълон қилди. Қувонарлиси, бу сафар терма жамоа машғулотларига иқтидорли ёш футболчи Аббосбек Махсуталиев ҳам жалб этилди. Умид қиламизки, ўтган йили Мексика яшил майдонларида ўсмирлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатида ёрқин ўйинлари билан кўпчиликда илиқ таассурот уйғотган Аббосбек миллий терма жамоамизда ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Олмазор туманидаги 23-олимпия заҳиралари махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 5-7-синфлар ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақасининг иккинчи босқичига кирувчи сузиш баҳслари бўлиб ўтди.

ЁШ СУЗУВЧИЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Тўққизта жамоа ғалаба учун кураш олиб борган мусобақаларда қатнашчилар 50, 100, 200 ва 400 метрга эркин, 50, 100 ва 200 метрга брасс ва чалқанча, 50 ҳамда 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича ўз куч-маҳоратларини намойиш этдилар. Қизлар қўшимча равишда 4 киши 50 метрдан сузиш бўйича эстафета мусобақаларида ҳам кураш олиб боришди.

Турнирда Чилонзор туманидан Максим Гараев 200 метрга брасс усулида сузишда 2.14.96 сония, Учтепа тумани шарафини ҳимоя қилган Андрей Семёнов ҳам брасс усулида сузишда 50 метр масофада 0.40.41 сония натижа кўрсатгани ҳолда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Турнир якунида натижалар сарҳисобидан сўнг жами 487 очко жамғарган Олмазор тумани ёш сузувчилари биринчи ўринни эгалладилар. Сергелилик ёшларга 445 очко билан иккинчи ўрин насиб этди.

Миробод тумани вакиллари учинчи ўринни банд этишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа

Алексей Попов олган сурат

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ФАРЗАНДЛАР ОТА-ОНА ҲАҚИДА

● Донишманд Абу Язид ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, гина-адоватдан узоқ бўл, кучинг етмайдиган ишга киришма. Сўз юритувчи, чақимчиларнинг сўзларига ишонма, чунки улар фитна-фасод йўлини излаб юрувчи ярамас одамлардир. Бахил, очкўз, ҳасис одамлар билан ошно бўлма, улар сени тўғри йўлга сира ҳам бошламайдилар, эҳтиёт бўл.

Мартабанг баланд бўлишини тиласанг, камтар бўл, барчани ўз ҳимматингдан баҳраманд эт. Биласан-ку, уруғ аввал тупроққа аралашиб, сўнг осмону фалакка бўй чўзади.

● Бир донишманд ўғлига насиҳат қилиб айтди:

— Дунё кезиб, яхши-ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам доно «Мен илмда зўрман», — деб керилмайди, мақтанчоқлик нодонларга хос одатдир. Дононинг зийнати — камтарлик, нодоннинг иллати — манманлик. Заҳизғон ҳар қанча баланд учгани билан лочин бўлмайди, зеро, олтин коса синган билан баҳоси камаймайди.

Ҳикоят:

Сойда тик ўсган қамиш олтин буғдойзорга қараб гап отди:

— Ҳой бошоқ, ўзинг тилладек ярқироқсану нега энди бош эгиб турасан?

— Хизматдаман, — деди олтин бошоқ, — бошимда эл ризқи бор... Ҳаммасини кузда кўрамиз.

Куз келиб одамлар бошоқдан дон тайёрлаб кўзга суртдилар, кеккайган қамишдан бўйра ясадилар.

Байт:

Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқ ости,
Қамиш кеккайгани-чун бўйра бўлди-ю.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтади:

— Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма. Нодонлар бир ишга бош қўшса, уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма. Бойлик деб ўзингни қайғу, ғамга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил. Одамларнинг сўзига қулоқ тут. Одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма. Одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмон олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Ҳусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта унинг уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Ҳикоят:

Бир подшоҳнинг ёнида ўзининг ва хизматчисининг ўғли ўтирганди. Подшоҳ ўз ўғлидан:

— Ўғлим, ростини айт, сен дунёда нималарни орзу қиласан, кўнглинг нималарни истайди? — деб сўради.

— Молу мулким кўплиги билан шуҳрат қозонишни, доимо шароб ичиб, овга чиқиш, айш-ишратдан холи бўлмасликни орзу қиламан, — деб жавоб берди подшоҳнинг ўғли. Сўнгра подшоҳ хизматчисининг ўғлидан:

— Тўғрисини айт, сенинг келажакдаги орзу-тилагинг нима? — деб сўради. Хизматчисининг ўғли мулойимлик билан:

— Шафқатли, марҳаматли, хайр-саховатли бўлишни, халққа хизмат этишни, жамиятга фойда келтиришни, ҳамманинг меҳру муҳаббати, олқишини олишга муваффақ бўлишни орзу қиламан, — деб жавоб берди.

(Давоми бор)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **17 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража совуқ, кундузи — 1-3 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

«Construction Design» МЧЖ ИНН 300 816 748 Устав фондининг 53 594 182 сўмдан 29 012 841 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Даъволар икки ой давомида Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 124-уйда қабул қилинади.

Тел.: 228-05-88

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс. (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru

Буюртма Г- 141

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11417 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5